

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухоро шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш — демократик давлатнинг муҳим принципи» мавзусида семинар ўтказилди.

• Тошкентда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш, демократик партияси ҳамкорлигида мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик ва оила саломатлиги» мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

• Самарқанд вилояти ғаллакорлари жорий йилда 650 минг тонналик ғалла ҳирмонини бунёд этиб, улкан зафар қучишди. Самарқанд шаҳридаги «Сангизор» ресторанида бўлиб ўтган ҳосил байрамида илғор ғаллакорларга, сувчи ва механизаторларга, фермерларга вилоят ҳокимлиги томонидан қимматбахо совғалар топширилди.

• Жиззах шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида очик мулоқот тарзида ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаб уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти вакили «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар режасига асосан ҳамда тармоқ ходимлари ўртасида спортни тарғиб этиш, меҳнатқашлар ва ёшларни спортга жалб этиш мақсадида вилоят «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани Бандликка қўмаклашувчи маркази томонидан навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда тумандаги 36 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 137 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунига кўра, 130 кишига ишга жойлашиш учун йўланмалар берилди.

• Андижон вилоятида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан «Либосларда қадрият акси» мавзусида миллий ва замонавий либослар ойлиги ўтказилмоқда. Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирдан мақсад ўзбек аёлининг ўзига хос замонавий ва миллий либосларини тақдим этишдир.

ЖАҲОНДА

• Кеча Европа Иттифоқи Туркменистон билан савдо битимини ратификация қилди. Энди ушбу ҳужжатни Европарламент кўриб чиқиши керак.

• АҚШ ҳукумати мамлакат аҳолисининг ярми А/Н1Н1 гриппига қарши эмланишини маълум қилди. Мазкур тадбир жорий йилнинг октябрь ойи ўрталарида бошланади.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди. Жумладан, Лондон биржасида 1 баррел «қора олтин» нархи 70,11 доллар миқёсида қайд этилган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 66,94 доллардан иборат бўлди.

• АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган «Индевор» космик кемаси коинотда ўз вазифаларини бажариб Ерга қайтмоқда.

• Жанубий Африка Республикасида уч кундан буён маҳаллий бошқарув органларига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Минглаб одамлар Йоханнесбург шаҳрини ўраб олишган бўлиб, намойишчилар энг кам иш ҳақи ва ойлик маошлар миқдорини оширишни талаб қилишмоқда.

• Хорватия полицияси жорий йилнинг 24 июлида рўй берган йўловчи ташиш поезди ҳалокатига сабабчиликда гумон билан саккиз кишини ҳибсга олди. Ҳибсга олинганларнинг уч нафари темир йўлларни кузатиш ва уларни тозалаш ишлари билан шуғулланувчи компания ходимларидир. Таҳминларга кўра ушбу поезд ҳалокати эътиборсизлик туфайли юз берган.

• АҚШнинг MICROSOFT ва YANOO корпорациялари 18 ойлик музокаралардан сўнг 10 йиллик муддатга бирлашиб, ҳамкорликда интернет-қидирув ишларини амалга ошириш уюшмасини битим имзолашмоқда.

• Германиялик машур автопойга, етти карра жаҳон чемпиони афсонавий Михаэл Шумахер уч йиллик танаффусдан сўнг яна «Феррари» жамоасига қайтиб энг нуфузли «Формула-1» мусобақаларида қатнашишга қарор қилди. У август ойида ўтказиладиган Гран-при турнирида иштирок этади.

• Кеча Испания полицияси Майорка оролида ЭТА айирмачилик гуруҳи томонидан тайёрланган террорчилик ҳаракатининг олдини олишга муваффақ бўлди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (11.461)

Баҳоси эркин нархда



«Мустиқиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»

ПОЙТАХТНИНГ 2200 БИР КУНИ

Ижтимоий ҳамкорлик

Бўш иш ўринлари ярмаркаси штабидан олинган тезкор маълумотларга кўра, икки кун давомида ушбу тадбирда 28 мингдан зиёд шахримиз аҳолиси қатнашган. Шулардан 20 мингдан зиёди тақлиф этилаётган бўш иш ўринларига катта фуқароларимизга ишга йўланмалар берилган. Мазкур ҳужжат эса, мутахассислар фикрига қараганда, иш берувчи ва ишга жойлашишга манфаатдор шахс ўртасида тузилган икки томонлама келишув шартномасига тенгдир.



КУТИЛГАН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

эканликларига алоҳида эътибор қаратилади. Ярмарка кўринишидаги тадбирлар эса ходимларни икки томонлама ишонч асосида танлаш борасида яхши имкониятдир, — дейди Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати маркази кадрлар бўлими бошлиги Феруза Раҳмонова. — Бундай кенг доирада ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ташкилотимиз биринчи марта иштирок этмоқда. Асосан гидрометеоролог, метеоролог каби об-ҳаво кузатуви билан шуғулланувчи муҳандисларга эътижмиз катта. Ушбу соҳа йўналишида турдош касб-ҳунар коллежи мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий университетининг география, физика-математика факультетлари талабалари марказимизда тез-тез амалиёт ўташади. Ярмарка доирасида йўланма олган олти нафар ёшлар олий тех-

ник маълумотга эга. Дастлабки суҳбатдан аён бўлдики, уларнинг назарий билимлари мукамал. Очиғи, баъзиларини иш вақти қониқтирмаган бўлса-да, аммо барибир бевосита марказ фаолияти билан танишиш истагини билдиришди. Ўз навбатида, бизнинг ҳам талабларимиз борлигини эслатиб ўтдик. Гап, албатта, тажриба ҳақида эмас, чунки, табиийки, ёш мутахассислар амалиётда бир муддат кўника орттиришлари зарур. Айнан шу қисқа, лекин муҳим ҳисобланган вақтни улар кунт билан, фақат моддий манфаатни кўзлаган ҳолда эмас, балки бўлажак касбига қизиқиш билдирган ҳолда ўтасалар, бу келажақда яхши мутахассис бўлиб етишшиларига қаноқатлидир...

Ярмаркада йўланма олган фуқароларимизнинг ҳаммаси ҳам, дарҳақиқат, эртага доимий иш билан таъминлана-

ди, дейишимизга бироз эрта. Юқорида мутахассис айтиб ўтганидек, икки томонлама талаблар қаноқатлирилиши учун устозларга ҳам, шогирдларга ҳам сабр-тоқат зарур...

Шундай бўлса-да, бандлик хизматларининг ҳокимлик ва прокуратура идоралари билан ижтимоий шерикчиликка асосланган сай-ҳаракатлари пировардида бир мақсадга йўналтирилган. У ҳам бўлса олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ҳар бир битирувчиси, қолаверса, ишлашга эътиж сезаётган ҳар бир фуқаронинг мутахассислиги ва хоҳиши бўйича иш билан банд бўлишни таъминлашдир. Демак, ушбу долзарб масалага нафақат ўқув юртлари мутахассислари, балки ҳар бир иш берувчи ўз имконияти доирасида масъул эканлигини унутмаслиги лозим.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Албатта, шундан келиб чиққан ҳолда мазкур тадбирдан кутилган натижага эришилди десак ҳам бўлади, яъни ўз имкониятларини кўргазмалари равишида тавсия этган юзлаб иш берувчилар ҳамда тақлиф этилаётган вакант жойларига жойлашиш ниятидаги минглаб иш изловчиларнинг бир манзилга муважжам этилганининг ўзи катта ишдир. — Ҳар бир касбнинг, мутахассисликнинг ўзига хос томонлари бор. Жумладан, ёшларни ишга қабул қилишда бу борада уларнинг тегишли кўникамага эга

шақалар юртимизда оммавий ахборот воситаларини замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги тамойилларига амал қилиш, халқимизнинг ҳолис ва ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Бугунги кунда матбуотнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, том маънодаги эркин фикр минбағрига айланганлигидаги ролини ошириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлаш борасидаги ишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Бундай масъулиятли жараёнда нодавлат телерадиостанцияларнинг фаолиятини янада ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, телерадиоматериалларнинг сифат ва савиясини ошириш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан амалиётга татбиқ этилаётган Нодавлат телерадиостанцияларнинг ривож-

ланиш дастури юртимиздаги жамоат телерадиостанциялар фаолиятини яхшилаш, телерадиодастурларнинг савиясини янада такомиллаштириш, худудий станциялар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иждоий ва техник ходимларнинг касб малакасини юксалтиришга йўналтирилган лойиҳаларни изчил амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, миллий ўзликни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, ёшлар онги ва қалбини ёт ҳуружлардан ҳимоялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Нодавлат радиостанциялар ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш, мамлакатимизнинг чекка худудларида истиқомат қилаётган аҳолини ахборот билан таъминлаш мақсадида Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Нодавлат радиостанциялар тармоғи» ташкил этилди. Ёшлар студиялари фаолияти янада такомиллаштирилди.

Конференцияда халқимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилган ахборот дастурларининг мавзу камровини янада кенгайтириш, материаллар тайёрлашда уларнинг ранг-баранглиги, масалага чуқур таҳлилий ёндашуви таъминлаш, кадрларнинг касбий салоҳияти ва маҳоратини оширишга оид маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

«Мавзуда ташкил этиладиган кўргазмага тайёргарлик ишларини маромига етказиш борасида ўзаро фикр алмашилди. Ушбу кўргазма 10 кун давом этади.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида Баротхўжа номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб

бадий ҳаваскорлик жамоалари, тўғарақлар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари, маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Тошкентим — фахрим менинги» деб номланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКISTON** тарихи Давлат музейида ўтказилган тадбирда ЭРТАдан азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Ҳамиша навқирон, гўзал Тошкент»



Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) меъморий мажмуаси юртимиз ва муслмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Бу қутлуғ даргоҳ диёримизда муқаддас ислом дини ва унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишда йирик илмий-маърифий марказ сифатида хизмат қилаётган бўлиб, Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган минг-минглаб ноёб қўлёзмалар, шунингдек, Мўйи Муборак мадрасасидаги Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони (Мусхафи Усмон) жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қарорини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, Мовароуннахр қадимдан муслмон оламидагина эмас, балки жаҳонда илм-фан, маданият, айниқса, исломнинг назарий жиҳатдан ривожланган ўлкаси бўлган. Бу диёрдан етишиб чиққан буюк алломалар оламшумул тадқиқотлари билан ўрта асрларда Қуръон тафсири, ҳадисшунослик, адаб, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) илмларининг турли соҳаларида янги даврни бошлаб беришган.

Афсуски, мустабид тузум даврида ислом дини юзасидан илмий-назарий ишлар олиб бориш тақиқлангани, олимуламолар таъзиққа учрагани учун ушбу йўналишда изланишлар қилинмас эди.

Истиқлол халқимизнинг муқаддас эътиқоди — ислом дини қадриятлари ва илмлари борасида диний-дунёвий, илмий-назарий, маънавий-маърифий тадқиқотлар олиб бориш имкониятини берди. Ўзбекистон буюк алломалар етишиб чиққан жаннатмақом юрт сифатида дунёга машҳур. Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир ғўшасида уларнинг номлари билан боғлиқ жой номлари, қадамжолари бунга яққол мисол бўла олади.

Зеро, Президентимизнинг «Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжоси ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз», деган сўзлари ҳар биримиз учун ҳам улғу шараф, ҳам катта масъулият саналади.

Аждодларимиз сермазмун ҳаёти ва фаолияти, бой диний ва илмий мероси билан ислом дини назариясини бойитишган. Ана шундай алломалардан бири Қафқол Шошийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат баҳо келтириш учун номига «катта», «улғу» маъносини «ифодалайдиган» «ал-Кабир» сўзини қўшиб ёздилар.

Аллома моҳир ҳунарманд бўлиб, қулфозликда шухрат қозонгани боис «ал-Қафқол» яъни, қулфчи, қулфсоз деган ном билан эъзозланган ва бу сўз унинг тахаллуслига айланиб кетган. Бу ҳақда машҳур тарихчи Абу Саъд Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний ўзининг «Ансоб» («Насабнома») асарида шундай ёзади: «Ал-Қафқол — қулфсозлик касбига нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қафқол Шоший Шош аҳлидан бўлиб, қулфсозликда шухрат қозонган. У ўз замонасининг имомини (пешвоси) бўлиб, фикҳ, ҳадис, усул, тилшунослик илмлари бўйича тенги йўқ олим эди. Қафқол Шошийнинг номи Мағрибул Маширқага ёйилган». Шамсуддин Заҳабий эса уни нафақат Мовароуннахр, балки Хуросон олим сифатида ҳам эътироф этади: «Аллома, луғат, усул, фикҳ имомини Хуросон олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Шоший «Катта Қафқол» номи билан машҳур бўлган. У зот Мовароуннахрда ўз даврининг имомини бўлиб, бир неча китоблар мусаннифи бўлган».

Маълумки, Қафқол Шоший ҳижрий 291(милодий 904) йилда Шошда туғилиб, дастлабки билимини ўз юртида, кейинчалик Ўрта Осиёдаги мавжуд маърифат ўчоқларида олади. Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарларни кезиб, бу ерларда ўзидан сал олдинроқ ўтган ва бебаҳо диний-илмий мерос қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий каби йирик олимлар асарлари билан танишади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини эшитгани ва ўрганади.

Қафқол Шоший илм талаби йўлида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини кезиб чиқади. Бағдод, Кўфа, Дамашқ каби шаҳарларга бориб, замонасининг забардаст олимларидан илм-маърифат ўрганади. Машҳур олим Шамсуддин Заҳабий «Сийар аълом ан-нубало» («Олижаноб алломарлар сийратлари») асарида «Мовароуннахрда усул илми ва

ҳадис талаби ила энг кўп сафар қилган олим Қафқол Шоший эди», — деб ёзади.

У ана шундай сафарларидан бирида Бағдодга борган ва Византия императори билан Араб халифаси ўртасидаги дипломатик ёзишмаларда бевосита иштирок этган. Бу ҳақда араб муаррихи Тоҳуддин Субкийнинг «Табакот аш-шофиъия ал-қубро» асарида тарихий маълумотлар берилган. Шунингдек, Хожа

ердаги йирик олимлар билан илмий мулоқотлар олиб борган. Бир гал Қафқол Шоший Бағдодда тўхтаганида ноҳус воқеа устидан чиқиб қолади. Бу эса ҳижрий сананинг тўртинчи асрига тўғри келиб, Византия императорининг кўмондонни Тағфур аббосийлар халифалигига тегишли Шомнинг Шимолий қисми ва Антокиани босиб олиб, халифалик пойтахтига ҳам хавф солган эди. Ўша даврда Византия ва Араб хали-



Убайдуллоҳ Аҳрорнинг шогирди Шайх Абу Аҳмад Муҳаммад Қозий Шоший қаламига мансуб «Силсилат ал-орифин» («Орифлар силсиласи») китобида ҳам бу ҳақда батафсил ёзилган:

«364 ҳижрий йилда вафот қилган Абу Бакр Муҳаммад бин Али Қафқол Шоший ал-Кабир шофиъий маъжабининг машҳур уламоларидан бўлиб, ўзлари туғилган Шош (Тошкент) шаҳрида истиқомат қилар эдилар. У зот кўп маротаба ҳажга сафар қилиб, боришда ва қайтишда Бағдодга кириб ўтар эдилар. Аксар илмларини шу шаҳарда олган эдилар. Бир галги сафарларида Бағдодга келсалар, уламоларнинг ниҳоятда саросимада эканлигини кўрадилар. Чунки, Рум подшоҳи Қайсар араб тилида халифага бир аjoyиб қасида юбориб, ё шу қасидага муносиб жавоб ёзинглар, ё ҳар йили ўлпон тўлайсизлар деган урушга тайёрлангандилар, деб талаб қилган эди. Ўша пайтда уларнинг Рум билан урушишга имконлари йўқлиги ва талаб қилинган ўлпонни тўлаш учун етарли маблағлари бўлмаганлигидан, қасидага жавоб ёзишга мажбур бўлдилар. Бағдоднинг жамики уламо ва фозиллари йиғилдилар. Лекин улар ўша қасидага мос келадиган жавоб ёзишга ожиз бўлиб турган эдилар. Рум элчиси эса уларни шошилтирар эди. Шайх Бағдодга кириб келганларидан, турклар юртидан Бағдодга бир забардаст олим келибди, деган хабар тарқалди. Халифа одам юбориб, у киши жавоб қасидаси ёзсалар, эвазига хоҳлаган нарсаларини беришлигини айтиди. Шайх рози бўлиб, шундай дейдилар: «Мен бу вазифани сизлар учун адо этаман, лекин бир шартим бор. У ҳам бўлса, олдин менга ҳазрати Усмон Мусхафларини берасизлар». Бирмунча тараддуудан сўнг бу талабга рози бўладилар ва Мусхафини шайхга бердилар.

Маълумки, Қафқол Шоший тез-тез ҳажга бориб келарди. Маккага борган ва қайтаётганида Бағдодда бирмунча вақт истиқомат қилиб, ўз билимларини янада оширишга ҳаракат қилиб, у

фалигида шеърятга қизиқиш юксак даражада бўлган. Давлатлар ўзаро алоқаларидаги дипломатик ёзишмалар кўларини ва қасидаларда ўз аксини топган.

Византия императори билан Араб халифаси ўртасидаги жанжалли ёзишмаларда Византия императори Араб халифалигига дўх ва пўписа билан муурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Бағдод халифаси эгаллаб турган ўлкаларни тинчлик билан осонликча улarga қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмдорлари мактубининг таландларвоз чиқishi учун уни араб тилида шеър билан битадилар. Шеър хошимийлар хонадонидан бўлмиш ҳукмрон халифага деб аталган. Марҳум шарқшунос А.Ирисовнинг ёзишича, мактубда шундай сатрлар битилган:

«Биз шердек отилиб чиқиб, ўз ерларимизни эгалладик. Дамашқ ўлкаси эса ота-боболаримиз маскани эди, биз бу диёр мол-мулкига эга бўламиз. Мисрни ҳам қиличимиз тиғи билан эгалламиз. Ҳижоз, Бағдод, Шероз, Рай, Хуросон, Куддус, Шарку Фарб ҳаммасини эгаллаيمиз», деб халифа ва унинг саркардаларига дағдаға салади, уларни айёрлик билан қўриқмоқчи ва ниҳоят, осонликча қўлга киритмоқчи бўлади. Худди мана шу воқеалар рўй берган кезде Қафқол Шоший Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтисоди зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуношуно, забардаст шоир сифатида танилган эди.

Ўша вақтда Бағдодда кўзга кўринган олим ва шоирлар кўп бўлса ҳам, ҳеч ким Тағфурнинг бу таҳдид хатига жавоб ёзишга ботина олмайди. Халифа таҳдид хатига жавоб ёзишни Имом Қафқол Шошийга топширади. Шубҳасиз, Тағфур таҳдид хати орқали муслмонларнинг ўша вақтдаги маънавий савиясини билмоқчи бўлган. Имом Қафқол Шошийнинг шеърӣ мактуби эса унга муносиб жавоб бўлиб, сезиларли зарба бўлиб тушган. Ҳатто, Византия адiblари, кохинлари ҳам: «Муслмон-

ларнинг шундай шоирлари борлигини билмас эканмиз», деб тан олишлари жуда эътиборлидир. Баъзи ривоятларда, айна шу қасида айтилган Имом Қафқол Шоший Ҳазрати Усмон Мусхафини олган, деб айтади.

Мухими, Қафқол Шошийнинг Византия ҳукмдорига ёзган жавоб раддияси Араб халифалиги бошига тушган хавф-хатарнинг бартараф этилишига сабабчи бўлган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўша пайтда Араб халифалигининг пойтахти Бағдодда қанчадан-қанча машҳур ва забардаст шоирлар бўлишига қарамасдан, Халифа Мутильллоҳ (946-974) томонидан Византия ҳукмдорига раддия ёзишдек ўта муҳим вазифанинг Қафқол Шошийга топширилиши унинг қанчалик зўр истеъдод соҳиби, айна пайтда, кучли дипломат эканлигини кўрсатади.

Энди Усмон Мусхафи масаласига келсак, халифа Византия ҳукмдорининг таҳдидли хатига жавоб мактуби учун Қафқол Шошийга ўша пайтда Бағдодда сақланган Усмон Мусхафини тўхфа қилганлиги бир қатор манбаларда қайд этилган.

Ҳозирги кунда Тошкентдаги Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзма — Усмон Мусхафининг тарихи ва уни юртимизга қандай келганлиги тўғрисида турли манбалардан олинган хабарлар, ривоятлар марҳум Шайх Исмоил Махдум ҳазратлари ёзган рисолада ўз аксини топган.

Умуман олганда, Қафқол Шоший ҳаёти давомида муслмон дунёси бўйлаб сафар қилган, энг машҳур олимларга шогирд тушиб, улардан илм ўрганган. Машҳур уламолар билан суҳбатлашган Қафқол Шоший диний илмлардан ташқари дунёвий билимларини ҳам чуқур ўрганган.

Унинг қаламига мансуб «Жавомӣ ал-калим» («Ҳикматли иборалар тўплами»), «Адаб ал-қозӣ» («Қозийнинг одоби»), баҳс-мунозаралар бағишланган «Ал-жадал ал-ҳасан» («Диалектика гўзаллиги»), «Усул» («Фикҳ усуллари») каби асарлари тўғрисида манбаларда қайд этилган. Афсуски, бу асарлардан бирортаси мамлакатимиз китоб хазиналарида мавжуд эмас. Фақатгина марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари 1970 йили Суриянинг Дамашқ шаҳридаги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланган Қафқол Шошийнинг «Жавомӣ ал-калим» асарининг қўлёзма-масида фото нусхасини олиб келганлар, холос.

Тафсир, фикҳ, ҳадис ва адабиётга доир турли манбаларда Қафқол Шошийнинг асарларидан жуда кўп иқтибослар келтирилади. Бу илмий эътирофлар эса унинг илмий-илмлари бобида етук аллома эканлигини кўрсатади.

Қафқол Шоший ва унинг илмий фаолияти нафақат Шарқ олимлари, балки Фарб тадқиқотчиларининг ҳам эътиборини жалб этган. Машҳур немис шарқшуноси К.Броккельман, буюк рус олими В.Бартольдлар алломанинг илмий меросига юксак баҳо беришган.

Кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Имом Қафқол Шоший зиёратгоҳи бевосита у зотнинг номлари билан боғлиқ бўлиб, халқ орасида «Ҳасгимом» (Ҳазрат Имом) деб аталади. Марҳум муфтий Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари бу ҳақда шундай деганлар: «Имом Қафқол Шоший номи билан шухрат қозонган Ҳасгимом маҳалласи ўз замонасида Тошкентнинг диний, илмий, маънавий ва маърифий маркази сифатида донг чиқарган».

Афсуски, шўроларнинг аждодларимиз қадамжоси ва зиёратгоҳларига нисбатан атеистик муносабатлари натижасида бундай масканлар эътибордан четда қолди. Лекин ҳар бир юрtdошимиз қалбда ўзи туғулиб ўсган жой номлари тарихи, урф-одатлари ва маданиятига бўлган меҳр, қизиқиш сўнмади. Истиқлол аждодларимиз қадамжоларини обод этиш билан бирга, уларнинг фаолияти ва илмий мероси бўйича изланишлар олиб боришга кенг йўл очиб берди.

Ҳозирги кунда пойтахтимизнинг энг кўҳна гўшасида Ўзбекистон муслмонлари идораси ёнида жойлашган Қафқол Шоший — Ҳазрати Имом макбараси Юртбошимиз ташаббуслари билан бутунлай қайта қурилиб, янгича чирой оқди ва йилдан-йилга обод бўлиб, Эски шаҳарнинг фазлига фойд қўшаётган тарихий масканлардан бири саналади. Мухими, асрлар давомида «Ҳасгимом» деб юритиб келинаётган маъзуқ жой номи у зотга нисбатан юксак эътиром намунасидир.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Тошкент ислом университетини тадқиқотчиси,
тарих фанлари номзоди.



УЛУҒ САЛТАНАТ

(Тетралогиянинг «Мирношоҳ Мирзо» номли учинчи китобидан айрим боғлар)

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сароймулкхоним қўллари кўксиде, охишта бош эгди. У жуда яхши билади, Амир соҳибқироннинг қимм эътиқоди ҳазрати Хаққа боғлангандир. Азиз-авлиёлари кўз устида тутадилар. Хайру эҳсонга қўллари очик. Маҳдун улэ барча маликалару амирзодаларни хайру садақа юмушларига бош қўйишига чорлади. Туман оқа бир киш-лоққа, Султон Бахт бегим иккинчисига, Чўлпон Мулк оқа учинчисига йўл олдилар. Фақиру музтарларга, очу-юпунларга, ожизу нотавонларга садақа улашлар бош-ланди. Бу қувончли, сарвақк юмуш нафақат маликалар-ни, балки бошқа амирлару лашкарбошилар хотинлари ва фарзандларини ҳам оҳанрабодай ўзига тортиди. Олмоқдан кўра бермоқ яхшироқдир, деган қадимий ҳик-мат яна иззату икромда эди. Барча холи қудрат эҳсон айлашга, шу билан Оллоҳдан соҳибқиронга сиҳат ти-лашга тиришарди.

Сароймулкхоним мулозимлари билан каттагина киш-лоққа кириб келди, соғингандан шахзода Муҳаммад Султонни ёнидан қўйиб юбормади. Бирма-бир кўп хо-надонларга кириб йармоқлар¹ сочдилар. Садақа олган кекса-ю ёш сидқидилдан дуога қўл очар, болакайлар эса хўроқданларни кўз-кўзлаб, у ёқдан-бу ёққа чопар-дилар. Катта малика сууб уларнинг бошини силаб-си-лаб кўярдди.

Бир ховлидан чиққанлариде, иттифоқо, мулозимлари кўмагида садақа улашиб юрган Жаҳоншоҳ ибн Жоку-нинг қизи Соғинч бика билан Сарвинозаларни уратиб қолдилар. Онаси Опгоғойим ҳали ҳам носоғлибди ётган-миш. Қиз ва канизак чиройли эгилганларича, маҳди улэ кўйлагининг пешини ўлиб тавоф этдилар.

— Кам бўлмангиз, қизим, кам бўлмангиз! Ўсиб ка-молга етингиз!.. — деди ҳавас билан Сароймулкхоним, Соғинч бикани бағрига олиб манглайдиган ўпар экан. Қиздан аjoyиб ёқимли муаттар буй маҳди улэнинг димоғига урилди. — Волидангиз яхшимилар?².. Шифо бер-сун. Аммо, Опгоғойим шундай барно ва зебо қизи бор-лигини айтмагон эрдилар...

Юз, қулқоқларича қизариб кетган қиз изто тортиб ерга қаради. У суюкли шахзодини, — тагин катта малика ол-дида! — кўрамен деб асло ўйламаганди.

Жўйи Зардаги воқеадан сўнг, Муҳаммад Султоннинг кўз ўнгида бир нотаниш сирли олам юз очди. Ёш кўнгли саҳнида гаройиб ва ёрқин малак соҳибоси намоён бўлди. Бошқачароқ айтганда, назик кийим Соғинч бика анд-шага бормай, сўрсиз унинг қалбига бостириб кириб, баҳодир йигитнинг буткул эс-хушини олди-қўйди.

Фавқулодда дийдорлашувдан шахзода Муҳаммад Сул-тон алланечук холга тушди. Худди сир-асрорларидан Са-роймулкхонимнинг хабари бордай, ўнғайсизлана бош-лади. Бирон нарса баҳонасида нарироқ кетиши зарур-лигини англади, аммо оёқлари миқлангандек жойидан жилмас, кўзлари унга бўйсунинчи хохламаюди.

Соғинч бика ҳам қандай ҳаракат қилишни билмай Сарвинозга жавдираб қаради. Царфта ортига қайтсинму? Ё шахзода билан саломлашиш лозимму? Қиз бош эгиб саломлашса, одобсизликча кирмайдирму? Балки ша-хозданнинг ўзлари сўз очарлар?³

Бироқ Сарвиноз ҳам лол эди, шахзодадан эса садо чиқмади. Қиз катта маликани тавоф айлагандан сўнг, кўпирининг олдидагидек, шахзодага ним табассум ила бир боқиб, худди тўйнинг эртаси кун эрталаб кўвғига салом берган янги келинчақдай, беҳитиёр ўнг қўлини кўксига қўйиб, таъзим бажо этди ва аста ортига чекина бошлади. Икки юзидаги қулғичлари шахзодага хуш ёқадиган чиройли ўймоқчалар ҳосил қилди... Қизнинг ҳаракати шу қадар табиий эдики, бу нафақат йигитни ўртаб юборди, балки катта маликанинг борлигини ҳам енгил титратиб ўтди.

Сароймулкхоним доимо амирлару аркони давлат хо-надонларидаги мажлисларда, тўйларда амирзодаларга қайлик излаб, пилхона қизларга бир-бир назар ташлар, қўнгли сув ичган чиройликларини кўз остига олиб кўярди. Орқаворатдан эшитиб, Соғинч бикани ҳам мулжаллаб қўйган... Аммо қизнинг бу қадар сулувлугини яқиндан илк бор кўрди. Хозир шахзода билан қизни ёнма-ён турганини кузатаркан, хаёлига бир фикр келди: «Бир-бирларига худаям, мос эканми!..» Соғинч бика ниҳоятда сулув. Муҳаммад Султон бағоят кўркам, башан йигит эди! Бундай фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди. Чунки яқин-да Султоннинг келганида Боги Чинорда малика Хонзо-да хоним билан шу ҳақда суҳбатлашмишган, ўзларича, шахзодага келин излашаётганларини бир-бирларига бил-диришганди. Маҳди улэ назариде, Соғинч бика Хонзо-да хонимга ҳам ёқиши керак.

— Шу охиждан шахзодамга... унаштириб қўйсамми-кин?.. — сўзланди бирдан катта малика ўз-ўзига деган-дек. Муҳаммад Султонга атай эшиттириб. Бу пайт қиз улардан йироқлашиб ўз мулозимлари ёнига етай деб қолганди, аммо орқароқда бораётган Сарвиноз бу сўзларни қулқоқларига жойлаб олди: — Жуда келишган, соҳибжамол қиз эканми!..

Шахзодининг кўнгли қўкмадлай яйраб-яшнади, аммо билдирмасликча уринди. Нимадир қилиши кераклигини фахмалди. Шу пайт қўнчдан бир мискин одам охишта ўтиб борарди. Қувонгандан уни шартта ўзининг отига миндириб юборди! Мулозимга қиллоқ мазорига сидақ ихлос билан икки қўй ҳади қилишларини буюрди. Қўй-чув кўтариб кўчани тўлдириб юрган болаларни ёнига чорлаб, ҳаменидан тангалар олиб: «Мана сенга!», «Мана!», «О!» дея улаша бошлади.

Сароймулкхоним, бирдан шахзодининг ҳаракатлари чаққонлашиб кетганидан ниманидир англагандай, мийи-нда қулиб қўйди. Хамиша номзд топиш мушкул, хай-рият, топилди шекилли... Ҳа, шахзода Соғинч бикани ёқтиради, охижа ҳам бефарқ эмас... Шундай беқусуру бетимсол йигитни севмай бўларканми!..

Бошқа маликалар, амирзодалар қайтиб келишган-да, бир неча кишлоқда бева-бечоралар, азиз-авлиёл-лар мазорларига кўп хайру садақалар берилгани ош-кор этилди. Жумла мўмин-муслмонлар дуога қўл кўта-риб, Амир Темур Кўрагон ҳақларига Оллоҳдан шифо тиладилар.

Садақа ва эҳсонлар ўз ҳосиятини кўргизмай қолмади. Амир Сайфиддин неқўз соҳибқироннинг кун сайин со-ғайиб, мизочи тетиклашиб бораётганини сезди. «Амман южибу-л-музтарра изо даъоҳу...² — деди ичда у Қуръон каломларини тақроллаб. — Оллоҳга шукр!»

Истироҳат боғи маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда шаҳар аҳли республи-камизнинг кўзга кўринган, мумтоз кўшиқчилик санъати ривожига муносиб улуш қўшиб келаятган танкили санъаткорлар билан юзма-юз учрашиш-ди. «Мумтоз наволар» давраси доирасида ташкил этилган иходий учрашув жараёнида Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ хофизлари Ҳасан Ражабий, Маҳмуджон Тоиров ва бошқа санъаткорлар ижросида мумтоз куй ва кўшиқлар янгради.

Истироҳат боғи ва Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида 2005 йилда ташкил этилган «Мум-тоз наволар» даврасида бу каби тадбирларни

МУМТОЗ НАВОЛАР ЯНГРАДИ

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан «Тошкентда мақом тароналари» мавзусида маданий тадбир бўлиб ўтди.

ўтказиш аънаъага айланган.

— Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб сай-қалланиб келаятган мумтоз тароналаримизда хал-қимизнинг ўзлиги мустақам, — деди тадбирда иш-тирок этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Соибжон Ниёзов. — Янграётган куй ва кўшиқлар-ни чуқур англамасдан, уларни юракдан севмасдан аждодларга муносиб ворис бўлмоқлик ўта мушкул. Бу каби тадбирлар ёш авлод қалбиде мумтоз на-

воларга меҳр-муҳаббат уйғотиши, шубҳасиз.

Қолаверса, бу тадбир мумтоз санъат остонаси-га қадам қўяётган ёш иқтидорларни халққа та-ништиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ижо-дий учрашув чоғида санъат шинавандалари та-никли санъаткорлар ва ҳаваскор хонандалар иж-росидаги мумтоз куй ва кўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

«Туркистон-пресс»

¹ Йармоқ — танга, пул, ақча.
² Қуръони карим. 27-Намл сураси. 62-оят. «Музтар-но-чорлар дуо-илтиҳо айлаганларида ихобат қилувчи ким?...»
³ Милодий 1392 йил 7 июль.

Дам олиш соатларида

Муסיқа диққатни жамлашга ёрдам беради ва саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилади. Америкалик олимлар мактаб дастурларидан муסיқа дарсларини зинҳор олиб ташлаш мумкин эмас, деб ҳисоблашади.

мларини томоша қилиш таклиф этилди. Томоша пайтида кўнгилчилар орқа фонда узлуксиз равишда мандарин лаҳжасидаги «ми»га ўхшаш товушни эшитиб туришарди. Мазкур «ми» жуда муסיкий янграб, уни талаффуз этиш оҳангига қараб, маъ-

лигида муסיқа мактабларига қатнашган. Қолган ярами эса, умуман муסיқага қатнашмаганлар. Барча иштирокчилар инглиз тилига мансуб кишилар бўлиб, мандарин лаҳжасини умуман эшитишмаган.

Фан янгиликлари

МУСИҚА МИЯНИ ИШЛАТАДИ

носи ҳам ўзгарарди. Масалан, уни раван талаффуз этганда, «кия бокиш» маъносини, овозни кўтариб айтилганда, «тинчики бузиш», секин айтилганда эса, гуруч маъносини аниқлатади.

Олимлар тажриба давомида иштирокчилар мия фаолияти даражасини қайд этиб боришди. Шунинг ҳам айтиши керакики, кўнгилчиларнинг ярами бола-

фаолият муסיқачи бўлмаган оддий одамлар ўртасида ўтказилганини таъкидлади.

Олимлар, муסיқа миянинг нафас олиши ва юрак уриши каби тана автоматик функциялари учун жавоб берадиган қисми томонидан қабул қилинишини аниқлашди. Тайёргарликсиз, «жонли» ижро этилган муסיқа энг кўп ижобий таъсир кўрсатади.

ФАЙЗЛИ



ОҚШОМЛАР

Ақл ёшда эмас

ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ БИЛИМДОН

Гиннес рекордлар китоби мисрлик тўққиз яшар Махмуд Ваил Махмудга жаҳондаги энг ақли бола унвонини берди. Айтишларича, у ўз тенгдошлари орасида энг юқори IQ (заковат) кўрсаткичига эга бўлиб, кўпсонли рақамларда энг мураккаб арифметик машқларни миясида бажара олади.

Митти даҳо фикрлаш ва мураккаб математик масалаларни ечиш тезлиги буйича ҳозирдаёқ Мисрдаги барча таникли олимлардан ўзиб кетган. Натижада мутахассислар, Махмуд ноёб қобилиятлари туфайли яқин беш йил ичида университетга ўқишга кира олади, деб ҳисоблашмоқда.

Махмуднинг бир неча йил олдин бошланғич маълумот олгани маълум ва ҳозирда у жаҳоннинг етакчи компьютер компаниялари тақдим этган индивидуал дастурлар асосида таҳсил олмоқда. Махмуд Ваил Махмуд келажақда отаси каби шифокор бўлишни орзу қилади: Буш вақтларида у тўққиз рақамли сонларни миясида кўпайтириш ва бўлиш билан шугулланади.

«Мен инглиз тили буйича билимларимни ҳам ошириб боришни истайман, — дейди у. — Чунки кўнжисдан компьютер дастурчиси бўлишни хоҳлаб қолсам — бу тил менга жуда қўл келади».

Энг юқори даромадли спортчилар рейтингини рекламадан тушган, соврин жамғармаларидан тушган маблағлар ҳамда иш ҳақлари асосида тузилган. Спортда энг юқори даромадли йигирма кишининг умумий даромади 789 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Forbes версияси буйича жаҳонда энг катта маош оладиган спортчи сифатида яна америкалик гольфчи Тайгер Вудс тан олинган. Унинг бир йиллик даромади 110 миллион долларни ташкил этган.

Миллий баскетбол ассоциациясининг тўрт карра чемпиони ва Олимпиада чемпиони, «Лос-Анжелес Лейкерс» клуби ўйинчиси Коби Брайант 45 миллион

Спорт оламида

ЭНГ ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ СПОРТЧИЛАР

долларлик даромади билан иккинчи ўринни эгаллаган. Унинг афсонавий ҳамкасби Майкл Жордан ва финляндиялик автопойгачи Кими Райкконенлар Брайант билан бирга 2-4 ўринларни бўлишиб олишган. Улар ҳам Брайант билан бир хил даромадга эга бўлишган.

2008 йил давомида 42 миллион долларлик даромадга эга бўлган Дэвид Бэхкем бешинчи ўринда турибди. Зинапояннинг олтинчи погонасида яна бир америкалик баскетболчи, 2008

йилги Олимпиада ўйинлари чемпиони Леброн Жеймсни кўрамитиз. 40 миллион доллар ишлаб олган бу спортчи ўз ўринини профессионал гольф ассоциациясининг энг яхши ўйинчиси Фил Микельсон ва филиппинлик боксчи Мэнни Пакьяо билан бўлишига мажбур бўлган. Италиялик мотопойгачи, MotoGPнинг расмий вакили Валентино Россо тўққизинчи мавқени эгаллаб турган бўлса, NASCAR туркуми чемпиони Дейл Эрнхардтнинг ўғли кичик

Дейл Эрнхардт ўнликни якуловчи ўринини олган.

Жаҳоннинг энг сердаромад спортчилари иккинчи ўнлиги рўйхатида швейцариялик теннисчи Рожер Федерер, америкалик баскетболчи Шакил О'Нил, боксчи Де Ла Хойя, автопойгачи Льюис Хэмилтон, бейсболчи Алекс Родригез, гольфчи Вижей Сингх ва бошқа машҳур спортчилар бор. Улар даромадини энг сўнгги — 20 кўрсаткичи 30 миллион долларга тенг.



Юлдузлар ҳаётидан

ВАЛДИС ПЕЛЬШ КАСАЛХОНАДА

Таникли телекўрсатувлар етакчиси Валдис Пельш Россия пойтахтидаги Боткин касалхонасига ётқизилган. 41 яшар шоуменнинг ошқозонности бешида катта муаммо аниқланган: шифокорлар панкреатит хуружи ташхисини қўйишган. Айтишларича, мутахассислар ҳозирча беморнинг аҳволи нақадар оғирлигини аниқ айтишга қийналишмоқда. Тиббий таҳминлар натижалари жаррохлик операциясига зарурат борми ёки йўқлигини белгилашга ёрдам беради.

Бундан икки йил олдин ҳам шифокорлар уни нақ нариги дунёдан қайтариб қолишган экан. Ушанда Пельш панкреоневроз ташхиси билан бир неча ҳафталаб касалхонада ётишга мажбур бўлган. Тиббийёт ходимлари дастлаб унинг ҳаёти учун клиниканинг жонлантириш бўлимида курашишган бўлса, сўнгги даволаш курси оддий палатада олиб борилган.

Валдис Пельшга бу йил омадсиз келди. Йил бошидан у олиб бораётган дастур бекор қилиниб, анча вақтдан буён ишсиз юрган. Янги лойиҳани бошлашга эса ҳали улгурмаган.

1 МИЛЛИОН ЕВРОГА — ДАНФИЛЛАМА УЙ

Россиянинг машҳур қўшиқчиси Дима Билан оилавий ҳаётга тайёргарлик қўриб, ўзи ва бўлажак умр йўлдоши Лена Кулецкая учун Рублёвда 1 миллион еврога данфиллама уй сотиб олган. Айтишларича, Дима ўтган йил ноябрь ойидан буён уй қидиришга киришган экан. Бу мақсадни у қаттиқ махфий тутиб, уйни келинга қўтилмаган сова қилиш ниятида юрган. 24 сотих ери билан данфиллама уйни Дима яқиндагина топган.

Артист ҳовлисида ҳовуз, сауна ва музикий студия қуришни ният қилмоқда. Янги уй-жойни биринчи бўлиб, унинг қайлиги Лена Кулецкая қўришга муваффақ бўлган. «Бу бизнинг орзуимиздаги уй, — дейди Дима. — Жойимиз катта — дарахт кўчатлари ўтказамиз, экинлар экамиз, редиска экамиз!».

Шу йил февраль ойида Билан ўзининг катта концертларидан бирида Ленага никоҳ узугини ҳада этиб, бутун зални ўлдириб ўтирган томошабинлар гувоҳлигида унинг қўлини сўраган экан. Нихоят хар турли гап-сўзларга нуқта қўйилиб, ҳонанда тинч оилавий турмуш курайдиган бўлди, дейишмоқда унинг яқинлари ва мухлислари. Умуман олганда бу йил Билан учун омадли келди. Унинг корпоратив байрамлари ва концертлардаги хар бир қишки кам деганда 50 минг доллар туради. Айти пайтда шоу-бизнес буйича ҳамкасбларининг гонорарлари ўртача 20 минг долларга пайсайган.

Фаройиб ҳодисалар

БЕБАҲО ТИЛЛАҚОШ

Таиландлик заргар итига атаб 4 миллион долларлик кийиматга эга бўлган тиллақош ясаган. Титандан тайёрланган бу зеб-зийнатни зумрад ва бриллиант кўзлар безаб туради. Тиллақошнинг умумий оғирлиги 250 карат ҳисобланмоқда.

Итлар модаси қўзғамасида қатнашадиган Мальта бароқ лайчаси учун тиллақош ясашга заргар нақ икки ой вақт сарфлаган. Эгаси тиллақошни сотишни ўйлаётгани йўқ. Зеро, тиллақошни тайёрлашга ишлатилган зумрад ва бриллиантлар унинг аждодларидан қолган оилавий меросидиган. Заргар яқин вақтлар ичида ўзи суяган лайчасига атаб олдингисидан ҳам нафис қимматбахо тўғноғич тайёрлашни ният қилиб қўйган.

«ГАРРИ ПОТТЕР ВА ЧАЛА ЗОТЛИ ШАҲЗОДА» ФИЛЬМИ: БИРИНЧИ КУНДАЁҚ — 22 МИЛЛИОН ДОЛЛАР!

Ҳа, юқоридаги фильм биринчи намойиш этиш кунидеъ прокатларда 22 миллион доллар тўплаган муваффақ бўлган. Бу кўрсаткич олдинги рекорддан 4 миллион доллар кўпдир. Олдинги рекорднинг ўтган йили «Бэтмен: қора рицарь» фильми ўрнатганди. Россия экранларидан

тушган маблағ ҳақида ҳали маълумотлар етиб бормаган. Бу ерда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари қароқчилар тайёрлаган кўчирма нусхалар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўришмоқда.

АҚШнинг ўзида бир кунлик фильм намойишидан шунча маблағ тушган. Россияда эса, мамлакат кинотеатрлари учун картинанинг 900 та расмий нусхалари босиб чиқарилган. Эндиликда миллициянинг вазифаси — қароқчилик кўчирма нусхалари пайдо бўлишига йўл қўймастикдан иборат. Ҳозирдаёқ кичик сеҳргар ҳақидаги олтинчи фильм диски учун тайёр қўтилар топиб олинди, лекин ҳали пештахталарда кўчирма нусхалар пайдо бўлганича йўқ.

НОХУШ ИШИНИ ТУШУНДИ

Австралия жанубидаги ҳайвонот боғида 27 ёшли орангутан маймуни Карта электр токи улаб қўйилган сим қўрадан ошиб ўтиш учун дарахт шохлари ёрдамида қисқа туташув уюштирди. Бироқ жонивор ўз айёрони иши самарасидан фойдалана олмади, ўз четанига қайтишга мажбур бўлган. Ҳайвонот боғи ходимининг айтишича, афтидан, маймун қандайдир нохуш иш қилиб қўйганини тушуниб етган бўлса керак.

Тиббийётдаги янгиликлар

САРАТОНГА ҚАРШИ ҲАЙРАТЛАНАРЛИ КАШФИЁТ

Таникли Лондон нашри бош саҳифада «Саратонга қарши курашдаги ҳайратланарли кашфиёт» ҳақида ёзади. Жинсий безлари саратонининг энг оғир формаси билан оғриган икки бемор янги синалаётган дорининг бир дозасини қабул қилганларидан кейин батамом соғайиб кетишган. Янги дори билан касалликни даволаш натижалари шу қадар муваффақиятли эдики, олимлар беморлар тузалиш ривожига экспертиранинг барча кутганларидан ўзиб кетганини эслатган ҳолда уларни охиригача кўриб ўтирмай, эълон қилишга қарор бердилар.

Шифокорлар бир неча ойгина умрлари қолган деб башорат қилган простата саратони билан оғриган иккала беморда организмнинг иммун тизимини қувватлантирувчи ипиглимубаб (Ipilimumab) дорисининг бир дозасини қабул қилганларидан кейин ёмон ўсимтанинг ўсиши бутунлай тўхтаган ва шундан кейин ўсимталар жаррохлик йўли билан олиб ташланган. Мижозлар даволаш курси ва операциядан кейин ўзларини жуда яхши ҳис этишмоқда ва улар тез орада бутунлай соғайиб кетишди.

Тажрибада синалаётган дорининг простата беши саратонига қарши таъсирини тест йўли билан текшириш ишлари Миннесота штатининг Мейо клиникасида олиб борилмоқда, дея хабар қилади Британия нашри.


Автоолам

УЧАДИГАН ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ

Leigh Aerosystems компанияси апрель ойи ўрталарида High Road номи икки ўринли учадиган автомобиль ишлаб чиқариётгани ҳақида баёнот берганди. Gizmodo фарбий порталида янги ишланма ҳақида хабар пайдо бўлди. Биз шунини сизга тақдим этамиз.

Шундай қилиб, High Road йиғиштирилмадан қанотларга эга автомобиль бўлиб, юқори октанли қўроғинсиз ёқилги (100LLfuel) да ишлайди. Мазкур автомобиль тезликни 4,5 километр баландикда соатига 290 километргача ошира олади. Кўли билан 6 километр баландикда учеди. Ёқилги сарфига келса, High Road тахминан 10,6 километрге 1 литр ёқилги ишлатади.

Leigh Aerosystems компаниясига 1989 йили асос солинганини эслайтиб ўтаемиз. 2003 йилгача у АҚШ ва бошқа мамлакатлар харбий-ҳаво кучлари учун учувчисиз самолётларни намойиш этиш дастурларини, шунингдек, бошқа хил қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқиш билан шугулланиб келган.



Кунлардан бир кун

ҲАТТО РАСМ ҲАМ ЧИЗАДИ

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида яшаб турганида тўсатдан тоби қочиб қолади. Ёзувчилар дарҳол «Тез ёрдам»га телефон қилишади. Шифокор аёл келиб, беморни кўздан кечиради. Қўлтиғига иситма ўлчагични қўйиб, суқбатлашиб ўтиради. Мусаввир ётган хонада у ижод қилган расмлар худди кўрғазмага қўйилгандек терилиб турган бўлса ҳам, шифокор хоним уларга эътибор бермай, Алишерни ёзувчи деб ўйлайди.

— Сизларга ҳам қийин, — дейди у беморга ҳамдардлик билдириб, — ҳатто кечалари ҳам уйқудан қолиб, мижжа қоқмай китоб ёзиб чиқасизлар.

— Китоб ёзиш-ку бир гап бўлар, — дейди Алишер расмларига қараб қўйиб. — Мен ҳатто расм ҳам чизаман.

ГЕНЕРАЛНИКИГА ТЎЙГА

Бир кун Алишер Мирзаевнинг машинасида зукко олим ва адиб Иброҳим Гафуровнинг уйига — тўйга кетаётган эдик. Чорраҳада йўл ҳаракати назорати ходими тўхтади. «Оббо!» дея Алишер машинадан тушиб, ҳужжатларини кўрсатди. Негадир у ҳадеганда қўйвора қолмади. Ахийри Алишер ходимнинг қулоғига энгашиб, бир нималар деди. Ҳаракатбон дарҳол фоз туриб, қўлини чеккасига қўйди ва ҳужжатларни қайтариб берди. Йўлга чиққач, Алишердан сўрадик:

— Унга нима дедингиз?
— Генерал Гафуровникига тўйга кетяпмиз дедим!
Беихтиёр кулиб юбордик.

БИЛМАГАНИ ҚЎЛ КЕЛДИ

Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасининг меҳрибон, хушмуомала шифокори Флора Файзиевна ҳузурига бирров кириб чиқмоқчи эдим, йўлакда навбат кутиб турганлар кўп экан. Уларнинг аксарияти ёшлар эди. Навбатсиз кириб кетаверсам қандай бўларкин дея сал иккилашиб қолдим. Вақтим жуда зиқ эди. Ноилоҳ, нима бўлса бўлар, ёшлар озорқоқ куттишса осмон узилиб тушмаса, дея ичкарига чоғландим. Энди эшик тутқичига қўл узатганимда, йўлакдаги юмшоқ ўриндикда резина сақич чайнаб турган ёшгина кизалоқ бетакаллуф, норози оҳангда сўра қолди:

— Амаки, навбатингиз борми ўзи?
— Мен... уруш фахрийсиман! — беихтиёр шундай деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Киз юзимга андак ажабосини тикилди.
— Кизик, унчалик... ўхшамасиз-ку?
Энди шумликни охирига етказмай иложим қолмаган эди. Айти чоғда ҳозирги ёшларнинг билим савиясини бир синаб кўргим экан.

— Қизим, мен рус-япон урушида қатнашганман!
Қизнинг юзлари анча мулойимлашди, юмшоқина овозда жавоб қилди:

— Ҳмм... унда бошқа гап! Майли, кира қолинг!

«АСАБ»ЛАР ТАМОМ БЎЛГАН

Тишим оғриб, маҳалламиздаги қўли енгил дўхтиримиз Назирахонга шифо истаб чиқдим. Дўхтир ортиқча қийнамай, осонгина «пломба» қўйиб

қўйди.
Уйга келсам, катта ўғлим Азамат сўраб қолди:
— Дарров «пломба» қўйдириб келдингизми?
— Ҳа, тез бўлди.
— Олдин «нерв»ларни ўлдириб, кейин кўярди-ку!

— «Нерв»ларни ўлдиршга ҳожат йўқ, уларни сизлар аллақачон ўлдириб бўлган экансизлар!
— дедим.
Маза қилиб қулишдик.

Шодмон ОТАБЕК

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.



Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мен қадим ва навқирон Тошкент фарзандиман» шиори остида ёзги оромгоҳларда дам олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида маданий-музикавий ва спорт тадбирлари ўтказилди.

НАВҚИРОН ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланди.

Унда Юнусобод туманидаги «Зилола» ёзги оромгоҳ ва Шайхонтоҳур туманидаги мактаб-оромгоҳларнинг дам олувчи ўқувчилари иштирок этди. Болажонлар пойтахтимиз табиати, ундаги ўзгаришлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини асфальтга расм чизиб орқали намойиш этдилар. Шунингдек, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, мазкур тадбир болажонларни таътил даврини мазмунли ўтишига қўмаклашиш, улар қалбига она Ватанга муҳаббат ва

садоқат туйғуларини сингдириш, бундан ташқари, тасвирий санъатга, табиатга меҳр уйғотиш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Болажонлар учун ҳақиқий байрам тусини олган тадбир улар учун билим ва кўникмага эга бўлиш, дунёқарашларини кенгайтириш, таассуротларини янада бойитиш ҳамда ўз иқтидор ва маҳоратларини намойиш этишда катта имконият яратиб берди.

Тадбирга Собир Раҳимов туманидаги «Шодлик» маданият уйининг «Пахтаой» болалар ашула ва рақс дастаси янада кўтаринкилик бағишлади. Болажонлар иқтидорини синовдан ўтказиш учун ташкил этилган викторина саволлари ғойибларига ҳамда анжуманда фаол қатнашганларга эсдалик совғалари топширилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

ҲАКИМЛАР ҲИКМАТИ

Ҳақимлар айтади:

— Ваъдага вафо қилмайдиган кишини яхши кўришдан кўра хавфлироқ ва яхшилик қилсанг билмайдиган одамга яхшилик қилишдан кўра зиёнлироқ нарса йўқ!

ЯХШИЛИК АСОСИ

Ҳақимлар айтишича:

— Яхшиликнинг асоси уч насада: биринчиси, барчага нисбатан риёсиз камтарликда, иккинчиси, миннатсиз саховатда, учинчиси, ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда.

ТЎРТ НАРСА

Одамлар тўрт нарсани қидирмасликка иложсиздилар: биринчиси — яхшилик ва ёмонликни ажратишга ёрдам берадиган илми, иккинчиси — тиркичилик ўтказишга керак бўладиган асбоб-анжомларни, учинчиси — кайфиятни яхши тутадиган воситаларни, тўртинчиси — одамлар билан муросани.

ЭНГ ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ

Бир ҳақимдан:

— Қайси таом яхшироқ ва лаззатлироқ, — деб сўрашса, ҳақим: — Қорнинг оқ бўлса, ҳар қанақа таом ҳам тотли ва лаззатли бўлади, — дебди.

КЎПНИНГ ГАПИ ҲАҚ

Ҳақимлардан бири шундай дейди: — Кўпчилик сенга ёмонсан деса, демак, ёмонсан, агар яхшисан деса, демак яхшисан.

ҚАДИМИЙ ҲИҚМАТ

Ҳақимлардан бири деди: — Қадимий ҳиқматларда айтилишича, инсон ўз тузиллиши хусусияти билан ҳайвонлардан афзал бўлди: унга бир оғизу икки қулоқ ҳада этилди. Шунинг учун у бир марта сўзламоғи ва кўп марта эшитмоғи керак!

БЕҲУДА СЎЗ — СЎЗ ЭМАС

Бир киши бир ҳақимнинг зиёратига борди. У беҳуда сўзларни ҳаддан ташқари ортиқ валдирарди. Сўнг сўз орасида: — Энди сўзлашни бас қила қолай, — деди. Ҳақим унга: — Йўқ, сен ҳали сўзлаганинг йўқ! — деди.

АҚЛЛИ КИШИ

Бир ҳақимдан сўрадилар: — Ақлли киши ким? Ҳақим деди: — Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини англаган, бутун куч ва қудратини илм ва камолот ҳосил қилишга сарфлаган киши.

СЎЗ ВА ДИЛ

Бир донишманд шундай деган эди: — Дунёда менга икки нарсга хушдир: бири дилга ёқадиган сўз, иккинчиси сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўнгилли киши шундай кишики, унинг дили сўздан файз топа олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг дилига шодлик эткиза олади!

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«Турон-Марказурилиш» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, О.Зокиров кўчаси, 85-уйда жойлашган биноларига Тошкент шаҳар «Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» Давлат муассасаси томонидан берилган 7-23/2004-сонли кўчмас мулк кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи шифокорлар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу масалани тўғри ҳал этиш учун, биринчидан оилавий турмуш қуришга шайланаётган йигит ва қизларнинг аввало соғлом бўлишлари, қолаверса уларни никоҳ гигиенаси ва келажакда соғлом фарзанд ҳақидаги билимлардан хабардор этиш лозим.

Чунки қадимда қизларни деярли 14-15 ёшда турмушга бериб юборишар эди. Оқибатда носоғлом болалар туғилар, эрта турмушга чиққан қизлар кўпинча дардга чалиниб қолар эдилар. Илмий маълумотларнинг кўрсатишича, оилавий ҳаёт қуришга 18 ёшдан олдин шомаслик лозим. Никоҳ қуриш аввало фарзанд кўришдек мураккаб физиологик жараёнлар билан алоқадор бўлганлиги сабабли, жуда эрта турмуш қуриш кўпинчалик пуштилликка, боланинг ой-кўни етмай туғилишига ва шунингдек, ҳомиланинг нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Қизлар ва йигитлар асосан 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолга етадилар. Шунинг учун кўпгина мутахассис олимларнинг маълумотларига кўра қизлар 20-23 ёшда, йигитлар 23-25 ёшда турмуш қурганлари, келин ва кўё орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Ҳар бири қуриладиган оила бахтли бўлиши, соғлом фарзанд туғилиши учун, аввало никоҳланувчилар соғлом бўлишлари лозим. Бунинг учун янги оила қуришга шайланаётган ёшлар аввало тиббий кўриқдан ўтиб, сўнг никоҳланишлари керак. Ҳар бир туманда тиббий кўриқдан ўтиш учун

маслаҳатхоналар мавжуд. Мақсадга эришиш учун ҳар бир поликлника ва аёллар маслаҳатхоналари

коҳланган оилаларда кузатилади. Шунинг учун, албатта тиббий кўриқдан ўтиш лозим. Ҳар бир

бўлажак фарзанднинг саломатлиги кўпинча, онанинг ўзига боғлиқ эканлигини ҳеч бир аёл унутмаслиги керак. Аёлнинг аёллар маслаҳатхонасига мунтазам қатнаши шифокор маслаҳатини кўриб олиш билан бажаришига боғлиқ. Ҳомилалар аёл шифокор хузурига биринчи келгандаёқ у ҳар тарафлама текширилади, қандай касалликлар билан оғирланганлиги, уй ва иш шаро-

бўида бўлган биринчи ойданоқ бориши керак. Аввало аёл болалик ва ўсмирлик давридан оқ соғлигини сақлаши, мунтазам равишда шифокор текширувидан ўтиб, бирор ички касаллиги бўлса, бўйида бўлмасидан илгаридек даволаниши лозим. Аёллар маслаҳатхонасининг муҳим вазифаларидан бири, ҳомилалар аёлларни туғруққа тайёрлашдир.

Туғруқнинг энгил ўтиши, она соғлигининг сақланиши ва чақалоқнинг соғлом туғилишида кўп жиҳатдан ҳомилалар аёлни туғруққа руҳан тайёрлаш алоҳида ўрин тутди. Бинобарин ҳомилалар аёлнинг эсон-омон кўзи ёришида унинг оила аъзолари, айниқса турмуш ўртоғининг ҳиссаси каттадир.

Соғлом бола ва она мустаҳкам оиланинг асоси ҳисобланади. Она ва бола соғлом бўлишининг зарур шартларидан яна бири туғруқлар орасидаги муддатни сақлашдир, оралик қаида 3 йил бўлиши мақсадга мувофиқдир. Туғруқлар орасидаги муддатни сақлашнинг фойдаси, аёл саломатлиги тўлиқ тикланади, болага эътибор бериш имконияти ортади ва соғлом ўсади.

Хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, соғлом онадангина соғлом бола туғилади. Соғлом бола эса бизнинг келажакимиз!

Раия МИРЗАГАРИЕВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ходими

Мутахассис маслаҳати
СОҒЛОМ ОНАДАН — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

мутахассислари, шифокорлари бўлажак келин-куёвларга гигиеник маслаҳатлар бериши зарур. Шу билан бирга спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, тамаки чекиш, гивандлик киши саломатлигига, наслига жуда катта зарарлигини, носоғлом болалар туғилиши мумкинлигини мисоллар билан тушунтириб бериш бевосита шифокорларнинг бурчидир.

Соғлом турмушни издан чиқарадиган ирсий касалликларга сабабчи бўладиган салбий урф-одатлардан бири — яқин қариндош уруғлар (тоғавачча, холавачча, амакиваччалар) ўртасидаги никоҳдир. Жисмоний нусонлар (кўр, соқов) билан туғилмаган болалар асосан яқин қариндошлар ўртасидаги ни-

оилада ҳомилалар аёлни эҳтиётлаб асраш зарур. Бу даврда аёллар маслаҳатхонасининг аҳамияти жуда катта. Бўлажак онанинг соғлом турмуш ҳақидаги билимига эга бўлиши, бўлажак отанинг вазифалари ва соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида тушунтириш ишлари олиб бориши керак.

Ҳомилалар аёл санитария-гигиена қондаларига, тўғри овқatlanиш, меҳнат ва дам олиш тартибларига риоя қилмаса, аёллар маслаҳатхонасига мунтазам қатнаб, шифокор кўрсатмаларини бажармаса, турли касалликлар (ҳомилаларлик тоқизи, камқонлик), ҳомилга яхши ўсмаслиги, бола туғилиши, чала туғиш хавфи келиб чиқиши мумкин. Ҳомилаларликнинг нормал кечиши,

иллари, илгари ҳомилаларлик ва туғруқнинг қандай ўтганлиги, фарзандларнинг соғлиги батафсил текширилади. Аёл фақат, гинеколог кўригидан ўтиб қолмай, бошқа соҳа шифокорлари — терапевт, кўз ва тиш мутахассиси текширувидан ҳам ўтади. Ҳомилаларлик ва туғишнинг аёл соғлиги учун хавfli ёки хавфсизлиги ўз вақтида аниқланади. Агар аёлда биронта сурункали касаллик бўлиб, ҳомилаларлик ва туғруқнинг ҳаётига хавф солса, шифокор маслаҳатидан аборит қилдириш тавсия этилади, лекин ички касалликлар барвақт аниқланиб даво қилинса, ҳомилаларлик нормал кечиб бола ва она саломатлигига зиён етмаслиги аниқ, Шунинг учун аёллар маслаҳатхонасига аёл

Ҳаётини воқеалар
ДАККИ ЕГАН ЙИГИТ

Марказий кўчалардан бири бўйлаб энгил машинада келаётган йигит автоуловини тўхтадида, бир уйининг йўлида ҳақсага таяниб турган кекса кишига машинасининг эшигини қия очиб: — Бобой, Зокир қорининг уйи қаерда? — деб сўради. Шунда ҳалиги кекса аста одимлаб, машинадан тушмаган йигитнинг олдида келди ва қироат билан — Ассалому алайкум, бўтам! Биринчидан, ким бўлишингдан қатъи назар, машинангдан тушиб, салом-алиқдан сўнг муддаонингни айт, иккинчидан ўзбек тилида «Бобой» деган ибора йўқ. «Отaxon» ёки «Биродар» деб мурожаат қилсанг ҳам бўларди. Сенинг табаррук шаҳсининг олдида нима мақсадда кетаётганлигини билмадим-у лекин у кишининг оstonалари бундай ахлоқсиз кишиларга бегона бўлади. Билиб қўй, йигит, ҳаётда ахлоқ А ҳарфидан бошланади.

Шунда фаросатсиз йигит, хижолат исканжасида қолиб, бирор нарса дейишга ожизлик қилиб, машинасини орқасига буриб кетди.

ҲУШЁРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Равон кўчанинг бекати. Табиийки, эрталаб одамларнинг бири ишга, бири ўқишга бориш истагида кўчалари «тўрт» бўлиб, автобусни интиқиб қутишарди. Гавжум бекатдан сал нарироқда бир оёғи бетон ариққа тушган ҳолда юзубан бўлиб бир киши ётарди.

Бекатдагилар ора-сира тупроққа беланиб ётган кишига қараб, унга «Ичмай ўлсин!», «Эрталабдан ичишга бало борми?», «Бояқиш хотини кийим-кечагини ювиб, кўни ўтса керак» деган қабилда сўзлашарди. Шунда бир талаба қиз дугонасига ўтирилиб: — Юр, ётганинг бошини ўнглаб қўяйлик! — дейди. Пўрим кийинган дугона, шоирона қилиб: — Ҳей, қўйсангчи, шўрлик она тупроқни қучоқлаб ётаверсин, — деди.

Кимдир қўл телефони билан кўнғироқ қилди шекилли, фурсат ўтмай «Тез тиббий ёрдам» улови этиб келди. Ундан шошилинч равишда оқ халатли шифокор тушиб, ерда ётган кишининг юзини ўғирди, юрагига қулоқ тўтиди, сўнгра томирини ўшлаб кўрди, кўз жилтинини тортиб қарадида, бошини чайкаб қўйди.

Бекатдаги «томошабин» бўлиб турганлар: «Нима бўпти?» — деб шифокордан сўрашганда «Тез тиббий ёрдам» ходими ачинган ҳолда: — Бу киши маст эмас, юрак хуружидан ҳаётдан кўз юмибди, бечора. Қўлидаги нитроглицеринини оғзига солишга ҳам улгурмабди, — деб мурданинг устига чойшаб ташлади.

Маннон НАБИЕВ

Спорт янгиликлари
РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Маълумки, келгуси йили Тошкентда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Унга кўра қитъамизнинг 26 та терма жамоалари Шарқий минтақа, Фарбий минтақа, Асеан минтақаси, Марказий ва Жанубий минтақалар бўйича «А», «В» гуруҳларида Осиё чемпионати йўланмаси учун кураш олиб борадиган бўлишди.

Дарвоқе, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мезбон сифатида Осиё чемпионатида қитъамизнинг энг кучли терма жамоалари Эрон, Таиланд, Япо-

ния билан бирга тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Эслатиб ўтамиз, 2006 йилги Осиё чемпионатида мамлакатимиз футболчилари фақатгина эронликларга финалда имкониятни бой бершиган ва кумуш медал билан кифояланишган эди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 14.09.2007 йилдаги 1-389/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчаси, 9-уй манзилида сақланаётган, «Daewoo Nubira» русумли, д/р Н763FDM бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 221 588 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 08.10.2008 йилдаги 1-158/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «Даймлер Крайслер Е-200» русумли, д/р 30Z3563 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 42 000 000 сўм. 3. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 12.05.2009 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «ЗИЛ-138» русумли, д/р 12F4864 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 471 509 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 8 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситаси 2009 йил 8 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотран-

спорт воситаларини сотиш юзасидан тақрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 29 сентябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефони рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхта-тилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган за-калат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда за-калат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2857 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбё акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

12 45